



МУЗРАБОТ

Ўзбекистон—
кечагаги
буюк
давлат

Газета 1969 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Истимой-сўсий газета

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши ва туман ҳокимлигининг нашри

2021 йил 23 апрель
Жума № 8 (4409)

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Музработ туман Кенгашининг йигирма саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибига қўйиладиган масалалар киритилди ва кўриб чиқилди:

1. Музработ тумани Ҳокими Алимов Эркин Жўраевичнинг туманда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар юзасидан туман депутатлари ва тадбиркорларига Мурожаатномаси тўғрисида.

2. Жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан туман ички ишлар бўлими бошлигининг 2021 йил 1-чораги давомида амалга оширилган муайян ишлар тўғри-

сидаги ҳисоботи ҳақида.

3. Туман молия бўлими бошлигининг маҳаллий бюджет параметрларининг 1-чора якуни бўйича ижроси юзасидан ҳисоботи тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги 5633-сонли фармонининг тумандаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Музработ туманидаги Халқ қабулхонаси мудирининг ахбороти тўғрисида.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирининг сек-

торлар ва ташкилотлар раҳбарларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761-сонли “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Музработ тумани аҳли бўлими томонидан 2021 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишлари тўғрисида.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжири яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли қарорининг тумандаги ижроси ҳақида.

(Давоми 3-бетда.)

Музработ тумани Ҳокими АЛИМОВ Эркин Жўраевичнинг туманда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар бўйича туман депутатлари ва тадбиркорларига

МУРОЖААТНОМАСИ



шилаш борасида 244,4 километр ичимлик суви тармоғини ўтказиш, 105,7 километр ички йўлларга шағал ётқизиш, 50 та электр таъниқ устунлари, 17 та янги трансформатор ўрнатиш ва 6 тасини таъмирлаш, 61,4 километр электр тармоқларини алмаштириш, 184 та газ баллон билан таъмирлаш, 3 та кўприкларни таъмирлаш, 4000 нафар ёшларга 0,50 сотихдан 2000 гектар ер ажратиш масалалари “Йўл харитаси”га киритилди. Шундан буғунги кунга қадар 1011 нафар ёшларга 342 гектар ер майдонлари ажратиб берилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда худуддаги 37 та маҳалланинг ихтисослашувига қараб 12 та йўналишда драйверларни аниқлаб олдиқ. Мисол тариқасида ўзимнинг секторимда жойлашган “Меҳригиёҳ” маҳалласининг драйвер соҳалари бўйича қисқача тўхталиб ўтсам. Маҳалладаги 1012 та оилада 6140 нафар аҳоли истиқомат қилиб келмоқда.

Маҳалла худуди азалдан туманимизда “Чопончи қишлоғи” номи билан танилиб келган, сабаби маҳалла фуқароларининг аксарияти, асосан, хунармандчиликнинг чопончилиги ва гиламчилик йўналиши билан шуғулланиб, ўзини ўзи бандлигини таъминлаб келмоқда. Маҳалладаги 100 га яқин чопончи хунармандларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 1 миллиард 800 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари эвазига тикув машиналари ва чопон қавийдиган дастгоҳлар олиб беришни белгилаб олдиқ.

Бундан ташқари шунга айтиб ўтишим керакиқ, давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра, Музработ тумани 2019 йил якунлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рей-

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ҚАРОРИ Музработ тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йил биринчи чораги даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидаги маблағларини мақсадли ишлатилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2020 йил 25 декабрдаги 657-сон Қонуни 13-моддасига мувофиқ туман бюджетининг 2021 йил биринчи чораги даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми маблағларини туман бюджетининг 2021 йилги бюджет параметрларида кўзда тутилган харажатларга, жумладан, биринчи навбатдаги зарур йўналишларга ажратилишини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Музработ туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2020 йил 25 декабрдаги 657-сон Қонуни 13-моддасига мувофиқ маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман бюджетининг жорий йил биринчи чорақ даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми 1650,0 млн. сўмини ташкил этганлиги ҳамда ушбу маблағлар ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан киритилган тақлифлар доирасида йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги туман Ҳокимлигининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3. Туман бюджетининг жорий йил биринчи чорақ даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан кўйилган мақсадларга йўналтирилсин:
Туман Мактабгача таълим

бўлими харажатлари учун:
- тумандаги мактабгача таълим муассасаларига чолғу асбоблари сотиб олиш учун 30,0 млн. сўм.

Туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби харажатлари учун:
- тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига спорт жиҳозлари харид қилиш учун 16,0 млн. сўм.

Туман Давлат солиқ инспекцияси харажатлари учун:
- туман Давлат солиқ инспекциясига компьютер жиҳозлари сотиб олиш учун 20,0 млн. сўм.

Туман Ободонлаштириш бошқармаси харажатлари учун:

- туман Ободонлаштириш бошқармасига ёқилги мойлаш ва қўшимча бошқа материаллар сотиб олиш учун 100,0 млн сўм;
- туман худудини кўккаламзорлаштириш мақсадида арча қўчати харид қилиш учун 40,0 млн. сўм;
- тумандаги “Музработ дар-

воза” маҳалласидан ўтган халқаро йўл ёқасига тўсиқ деворлар ўрнатиш харажатлари учун 50,0 млн сўм;

- Қорасув кўпригининг туманга кириш жойига “Хуш келибсиз” стеллосини ўрнатиш харажатлари учун 84,0 млн сўм;

- туман худудига кириш жойида стелло ўрнатиш харажатлари учун 30,0 млн. сўм;

- тумандаги “Шаффоф” МФЙдаги тўсиқ деворлар орасига темир дарвозалар ўрнатиш харажатлари учун 50,0 млн. сўм;

- туман ободонлаштириш тадбирлари харажатлари учун 40,0 млн. сўм;

- туман қўчаларини ободонлаштириш мақсадида гул қўчати сотиб олиш учун 42,0 млн сўм;

- тумандаги кам таъминланган уйларга хожатхона қуриш харажатлари учун 75,0 млн. сўм;

Туман соғлиқни сақлаш муассасалари харажатлари учун:

- туман тиббий ётиришларига тиббий аппаратларни таъмирлаш харажатлари учун 100,0 млн. сўм.

Туман Санитария-эпидемиологик оқойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими харажатлари учун:

- ташкилот биносини жорий таъмирлаш харажатлари учун 121,0 млн. сўм.

(Давоми 3-бетда.)

Жорий йилнинг 8 апрель куни ҳурматли Президентимиз бошчилигида “Худудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда 2021 йил учун бандлик дастури ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу селектор йиғилишида худудларда амалга оширилган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар танқидий кўриб чиқилиб, олдимизда турган вазифалар белгилаб берилди ҳамда уни бажариш механизми тўғрисида айтиб ўтилди.

Бугунги кунда худудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолини аҳоли даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш амалга ошириладиган механизмларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ҳурматли Президентимиз белгилаб берган вазифалар асосида ҳар бир маҳаллада амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар янги таъмирлаш харажатлари учун килди. Жумладан, оилаларнинг

даромад манбаларини, даромадли меҳнатга бўлган эҳтиёжларини хонадонбай ҳамда ҳар бир тадбиркор муаммоларини мижозбай ўрганиш ва муаммоларни тезкор ҳал этиш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу селектор йиғилишида худудларда амалга оширилган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар танқидий кўриб чиқилиб, олдимизда турган вазифалар белгилаб берилди ҳамда уни бажариш механизми тўғрисида айтиб ўтилди.

Бугунги кунда худудларда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолини аҳоли даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш амалга ошириладиган механизмларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ҳурматли Президентимиз белгилаб берган вазифалар асосида ҳар бир маҳаллада амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар янги таъмирлаш харажатлари учун килди. Жумладан, оилаларнинг

Сайёр қабул

Мурожаат ва ечим

14-умумий ўрта таълим мактаби ҳовлисида туман ҳокими Э.Алимовнинг навбатдаги сайёр қабули бўлиб ўтди.

Қабулда маҳаллалардан келган фуқаролар ўзларини ташвишлантираётган муаммо ва масалалар билан Ҳокимия мурожаат этдилар. Мурожаатларнинг асосини кредит олиш, йўлларни таъмирлаш, бандлик, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўйича масалалар ташкил этди.

Мурожаатларнинг бир қисми шу жойинг ўзидики айтилган бўлса, қолганлари мустақил масъулларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.

С.АБДУМАННОНОВ.



Суратда: сайёр қабул жараёнидан лавҳа.

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ҚАРОРИ Музработ туманида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратиш тўғрисида

“Ёшлар дафтари”га киритилган ижтимоий, иқтисодий, психологик кўмакка муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Музработ тумани Ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари - Васийлик кенгаши раиси ўринбосари Ш.Азимов, Ёшлар ишлари агентлиги Музработ тумани бўлими бошлиғи - Васийлик кенгаши масъул котиби З.Сафаровлар:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратиш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ёшлар дафтари”га киритилган ижтимоий, иқтисодий, психологик кўмакка муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга моддий ёрдам ажратиладиган рўйхат 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман Ҳокимининг молия иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - Васийлик кенгаши раиси А.Ачилдиев, Музработ тумани Ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижти-

моий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари - Васийлик кенгаши раиси ўринбосари Ш.Азимов, Ёшлар ишлари агентлиги Музработ тумани бўлими бошлиғи - Васийлик кенгаши масъул котиби З.Сафаровлар:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан тиббий ва даволаниш учун моддий ёрдамга муҳтож 28 нафар, бир марталик моддий ёрдам ҳамда иқтисодий кўмакка муҳтож 93 нафар ишси, жами 121 нафар ёшларни қўллаб-қувватлаш учун 4 та мотоблок, 30 та тикув машинаси, 25 та оверлок, 10 та ўт ўриш ускунаси, 20 та болгарка, 20 та пайвандлаш аппарати, 20 та дори пуракш ускунаси, 4 та карчер сотиб олиш, 5 нафар мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларда таълим олаётган

Кенгаши раиси

2021 йил 16 апрель № 06-28/164

Э.АЛИМОВ

Музработ тумани

Музработ туманининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари (2021 йил январь-март ойлари)

Кўрсаткичлар номи	Микдори	Ўсиш суръати, %
Саноат ишлаб чиқариши (млрд.сўм)	50,7	113,8
ХИМ ишлаб чиқариш ҳажми (млрд.сўм)	7,7	110,7
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини (млрд.сўм)	133,7	103,6
Капитал қуйилмалар (млрд.сўм)	46,6	60,8
Пудрат ишлари (млрд.сўм)	54,0	113,2
Чакана савдо (млрд.сўм)	127,5	100,5
Хизматлар (млрд.сўм)	103,3	108,0
Экспорт (минг АҚШ долл.)	1981,6	120,3
Импорт (минг АҚШ долл.)	16636,4	6,3м.

Музработ тумани статистика бўлими.

Эътироф

МУКОФОТ МУБОРАК



Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Эшқобил Собировни кўпчилик яқиндан танийди. Эл оқсоқоли узоқ йиллик фаолияти давомида турли лавозимларда ҳалол ва самарали ишлаб тумандошларимизнинг хурмат-эҳтиромини қозонган. Фидойи инсон Э.Собиров Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳайъатининг қарори биноан “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан мукофотланди.

Суратда: меҳнатлари муносиб эътироф этилганидан мамнун Эшқобил Собиров.



Музработ тумани Ҳокими АЛИМОВ Эркин Жўраевичнинг туманда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга ошириладиган ишлар бўйича туман депутатлари ва тадбиркорларига

МУРОЖААТНОМАСИ

(Бошланиш 1-бетда.)

2021 йил учун белгиланган ҳар бир кўрсаткичимизни 30 фоизга ошириб бажаришни ўз олдимишга вазифа қилиб олганмиз. Хусусан, бугунги кунда туманда жами 1335 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган бўлса, йил якунига қадар улар сонини 2 мinggaдан оширишни белгилаб олдик. Шунга мувофиқ жорий йилда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида “Мен тадбиркор бўламан” деган ёшлар сонини 3 баробарга кўпайтирамиз. Анкироғи, 442 тага қўшимча 132 та ёки 30 фоизга ошириш ҳисобига жами 574 та кичик бизнес субъектларини ташкил этишни режалаштириб олганмиз.

Туманинг макроиқтисодий кўрсаткичлари

Жорий йил якуни билан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 206 миллиард сўмликка (106,8%) етказиш кўзда тутилган. Бу кўрсаткичи ҳам 30 фоизга ошириш ҳисобига sanoat маҳсулотлари ҳажмини 267 миллиард 800 миллион сўмликка, шунингдек, аҳоли жон бошига нисбатан эса 1866 минг сўмликка етказишни белгилаб олдик (Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 1331 минг сўмни ташкил этган). Жумладан, туманда жорий йилнинг январь-март ойлари мобайнида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50,7 миллиард сўмликни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113 фоизга ўсишига эришилди. Аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 353,3 минг сўмликка тўғри келди.

Шунингдек, хизматлар соҳасида режа январь-март ойларида 103,3 миллиард сўм (108 фоиз) га бажарилди. Туманда 2021 йил якуни билан хизматлар ҳажмини 372,4 миллиард сўм (101,7%)га етказиш кўзда тутилган бўлиб, мазкур кўрсаткич ҳам 30 фоиз (484 миллиард 100 миллион сўм)га ошириш ҳисобига хизматлар ҳажмини аҳоли жон бошига 3391 минг сўмга етказишни режа қилиб олганмиз (Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2484 минг сўмни ташкил этган).

Чакана савдо айланмаси ҳажми жорий йилнинг январь-март ойлари мобайнида 127 миллиард 500 миллион сўмга, яъни, 100,5 фоизга бажарилди. Йил якуни билан чакана савдо айланмаси ҳажмини 496 миллиард 300 миллион сўмга бажариб 102,6 фоиз ўсишга эришамиз. Чакана савдо айланмасини аҳоли жон бошига 3 миллион 475 минг сўмга етказишни режа қилиб олганмиз.

Курилиш ва пудрат ишлари ҳажми шу йилнинг 3 ойи давомида 54 миллиард сўмга бажарилиб, ўсиш суръати 113,2 фоизни ташкил этди. Йил якуни билан қурилиш ва пудрат ишлари ҳажмини 221 миллиард 100 миллион сўм (106,1 фоиз)га бажариб, аҳоли жон бошига 1 миллион 548 минг сўмга етишига эришамиз.

Худудий инвестиция дастури бўйича

Бюджет даромадларини кўпайтириш ва янги иш ўринларни яратишда энг муҳим йўналиш бу янги корхоналарни ташкил этишдан иборатдир. 2021 йил учун умумий қиймати 764 миллиард 608 миллион сўмлик 17 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бунга 163 миллиард 732 миллион сўм ташаббускорнинг ўз маблағлари сарфланган бўлса, 164 миллиард 753 миллион сўм тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳамда 17 миллион 342 минг доллар хорижий кредит ва 25 миллион доллар хорижий инвестиция маблағлари жалб этилди.

Лойиҳаларнинг 8 таси sanoat корхоналари (955 та иш ўрни), 4 таси қишлоқ хўжалиги (150 та иш ўрни), 5 таси хизмат кўрсатиш (66 та иш ўрни) соҳаларига тўғри келиб, жами 1170 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ушбу корхоналар ишга туширилиши ҳисобига туманда қўшимча 350 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, бюджетга 3 миллиард 251 миллион сўм қўшимча маблағлар туширилишига замин яратилди.

Режа бўйича 1-чорақда 1 та 4,5 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилиши белгиланган эди. Аслида 7 миллиард 770 миллион сўмлик 2 та лойиҳа амалга оширилиб, 22 та янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун, “Музработ юксалиш омад” МЧЖ томонидан қиймати 3 миллиард 270 миллион сўмга тенг, йиллик қуввати 10 минг куб метр бўлган Агломерат плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳасининг ишга туширилиши 10 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлашга имконият яратди. Умуман, 2021 йилнинг 2 чорақида умумий қиймати 48 миллиард 170 миллион сўмлик 3 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 360 та янги иш ўринлари яратилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича 3 йиллик дастур ишлаб чиқилган. Дастурга асосан жорий йилда 13,5 миллион доллар инвестицияларни, жумладан, 4,5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва 9 миллион доллар хорижий кредит линия маблағларини ўзлаштиришни олдимишга мақсад қилиб олганмиз. Январь-март ойлари давомида жами 1 миллион 500 минг доллар, шу жумладан, 500 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 1 миллион доллар хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Экспорт

2019 йилда 7,2 миллион доллар миқдорда маҳсулотлар экспортни амалга оширилиб, аҳоли жон бошига 52,0 доллардан тўғри келган бўлса, 2020 йил якуни билан 11,0 миллион доллар миқдорда маҳсулотлар экспортни амалга оширилиб, аҳоли жон бошига 88,0 долларга етказилди.

Музработ тумани учун 2021 йилда жами 14 миллион 31 минг АҚШ долларлик экспорт режа графиги тасдиқланди, шундан 1 миллион 289 минг АҚШ долларлари sanoat, 12 миллион 742 минг АҚШ долларлари мева-сабзавот маҳсулотларига тўғри келади. Мазкур кўрсаткични 30 фоизга ошириб бажариш ҳисобига йил якунига қадар жами 18 миллион 240 минг АҚШ долларлари миқдордаги маҳсулотларни экспорт қилишни режа қилиб олдик. 2021 йил 1 чорақ учун режа 2 миллион 377 минг АҚШ долларлари бўлиб, амалда 1 миллион 598 минг долларлик маҳсулотлар экспортни амалга оширилди.

Кредитлар ажратиши бўйича

Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар бўйича 2021 йилда жами 36 миллиард 142 миллион сўм кредит маблағи ажратирилиш режалаштирилган бўлиб, қўшимча 10 миллиард 842 миллион сўм кредит маблағлар ажратиш ҳисобига жами 46 миллиард 984 миллион сўм ижтимоий кредитлар ажратишни белгилаб олганмиз. Бунда асосан “Махаллабай” ишлаш тизимида белгиланган драйверлар асосида кредит маблағлари ажратилишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 580 та лойиҳага жами 23 миллиард 996 миллион сўм, шундан 303 та кичик бизнес субъектларига 17 миллиард 381 миллион сўм, 277 та лойиҳага оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 6 миллиард 616 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Маълумот учун: жумладан, “Хар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 221 та лойиҳага 5 миллиард 696 миллион сўм; “Фермерлар жамғармаси”дан – 1 та лойиҳага 10 миллион сўм;

Хунармандчилик соҳасида – 1 та лойиҳага 30 миллион сўм;

Хотин-қизлар фондидан – 41 та лойиҳага 593 миллион сўм;

“Ёшлар тадбиркорлиги” дастури доирасида – 13 та лойиҳага 287 миллион сўм.

Шунингдек, 3 та дафтарга киритилган 56 нафар фуқароларга жами 1 миллиард 912 миллион сўм берилди.

Маълумот учун: жумладан, “Темир дафтар” бўйича – 2 нафар фуқарога 32 миллион сўм;

“Аёллар дафтари” бўйича – 95 нафар фуқарога 1 миллиард 241 миллион сўм;

“Ёшлар дафтари” бўйича – 13 нафар фуқарога 287,0 миллион сўм.

2021 йил учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш режаси 1658 та этиб белгиланган бўлса, ушбу кўрсаткични 30 фоизга ошириш ҳисобига 2155 та янги иш ўринлари ташкил этилишини белгилиб олдик. Шундан 1-чорақ давомида жами 156 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, режа 166 фоизга бажарилди. Жумладан, –худудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 2 та; –янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 56 та; –якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 98 та, шундан хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 28 та иш ўринлари яратилди.

“Темир дафтар”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш

Туманда жами 2649 та камбағал ва пандемия даврида ишсиз қолган оилаларнинг 2840 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари рўйхати шакллантирилди. Жорий йил 1 апрель ҳолатига “темир дафтар”га киритилган 2471 та оилалардан 2836 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Бугунги кунда “темир дафтар”га киритилган 2461 та оиланинг меҳнатга лаёқатли 2830 нафар аъзолари бандлиги тўлиқ таъминланганига тўғрива “темир дафтар”дан чиқарилди. “Темир дафтар”да сакланиб қолган оилалар оилалар сони 188 та бўлиб, улар Сектор раҳбарларининг доимий назоратида бўлиб турибди.

Шунингдек, тумандаги камбағал оилалар рўйхатига киритилган 1802 та оилаларга 135 миллион 848 минг сўмлик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 327 миллион 578 минг сўмлик чорва, парранда ҳамда асалари оилаларга етказиб берилди. 154 миллион 333 минг сўмлик нақд пул кўринишидаги ёрдам 8 миллион 275 минг сўмлик дори-дармон воситалари етказиб берилди, 67 та оилаларга ихчам иссиқхоналар қуриб берилди, 22 та оилаларнинг 3 миллион 772 минг сўмлик коммунал тўловлари тўлаб берилди ҳамда 326 та оилаларга 155 миллион 976 минг сўмлик бошқа турдаги

ёрдамлар кўрсатилди.

2021 йил 1-чорақда ёшларни иш билан таъминлаш

“Ёшлар дафтари”га киритилган 2641 нафар ишсиз ёшлардан иш билан таъминлаш истагини билдирган 460 нафарнинг рўйхати шакллантирилди. Улардан 279 нафарнинг бандлиги таъминланди. Жумладан:

-117 нафари тумандаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди;

-94 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди;

-57 нафари ишлаб чиқариш кооперативларига жалб этилди;

-тадбиркорлик қилишни хоҳловчи 11 нафар ишсиз ёшларга тадбиркорликдан рўйхатдан ўтиши учун давлат хизматлари марказига рўйхатдан ўтиш маблағи тўлаб берилди.

Туманда касб-хунарга ўқиш истагини билдирган 141 нафар ёшларнинг рўйхати шакллантирилди. 255 нафар ёшлар касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқишга юборилди.

2021 йил 1-чорақда аёлларни иш билан таъминлаш

“Аёллар дафтари”га киритилган бандлиги бўлмаган 786 нафар ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш рўйхати шакллантирилган. 76 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Томчилатиб сугориш

2020 йил давомида туманда 205,8 гектар ер майдонларида сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинди.

2021 йилда жами 2306,0 гектар, шундан 65 та фермер хўжалиқлари ва 1 та пахта-тўқимачилик кластери (“Музработ Индиум Кластер” МЧЖ) томонидан 2175,0 гектар пахта ва 131,0 гектар бог экин майдонларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш белгиланган бўлиб, 51 та мембрана ховузлари (режа 91 та) ва 1 та тик сугориш кудуги қурилган. Ҳозирги вақтда “AGRO NEW DRIP” LTD билан томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш бўйича шартномалар тузилиб, 3,0 миллиард сўм миқдорда маблағлар ўтказиб берилган, 200 миллион сўм ташаббускор маблағлари ҳисобидан.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида Музработ тумани 2020 йил якуни билан “Сариқ” худуд тоифасига ўтказилди. Ёки туманлар кесимида 14-ўриндан 10-ўринга кўтарилди.

Кичик sanoat зоналари

Туманинг “Шаффоф” МФЙ худудидаги Кичик sanoat зонасида умумий қиймати 6 миллиард 133 миллион сўмлик 6 та лойиҳани ишга тушириш ҳолатида, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш режа қилиб олинган эди. Амалда 3 та ташаббускор тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш қуввати 3 миллиард 154 миллион сўмлик ишлаб чиқариш технологиялари олиб келиниб, экспортбоп sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Натияжада 30 та янги иш ўринлари яратилди.

2021 йилда 1 миллиард 927 миллион сўмлик 3 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида қўшимча 20 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошишига эришилди. Бундан ташқари туманинг “Янги диёр” маҳалласида собиқ “Музработ тола” МЧЖ худудининг фойдаланилмай турган қисмидан мақсадли фойдаланиш учун 10 та йирик лойиҳа амалга ошириш қувватига эга янги Ёшлар кичик sanoat зонасини ташкил этишни йўлга қўямиз.

Шунингдек, Президент администрациясининг топшириғига асосан инфратузилмага қўлай бўлган “Орият” ва “Музработ дарвоза” маҳаллалари худудидан 9,5 гектар ер майдонида 2 та янги кичик sanoat зоналари ташкил этишни белгилиб олдик.

Бюджет тушумлари

Жорий йилнинг 1-чорақида прогноз даромадлари режаси 9 миллиард 588 миллион сўм белгиланган бўлиб, амалда 14 миллиард 863 миллион сўмга (+5,2 миллиард) ёки 155,0 фоизга бажарилди. Юқорида амалга ошириладиган ишларнинг пировард натижасида маҳаллий бюджетга тушумларни 30 фоизга ошириш ҳисобига 2-чорақ якуни билан 23 миллиард 205 миллион сўмга, йил якуни билан эса 46 миллиард 800 миллион сўмга ошириб бажаришни мақсад қилиб олдик.

Туманда фойдаланишдан чиққан 4100 гектар ерларни ўзлаштириш ҳисобига 3050 нафар аҳолини иш билан таъминлаш белгилиб олинган. Фойдаланишга киритилган ер майдонларидан 2456 гектариде янги боғлар барпо этилиши белгиланган. Амалда ҳозиргача 1605 гектар, яъни умумий режага нисбатан 65 фоиз ер майдонларида боғлар барпо қилинди.

Бугунги кунда режа бўйича 2191,6 гектар ер майдонлари тўлиқ лойиҳа қилиниб, 41 нафар ташаббускорларга қарорлар билан расмийлаштириб берилган. Амалда унинг 1692 гектари кўчат экишга тайёрлан-

ган бўлса, 1500 гектар ёки жами режага нисбатан 68,4 фоиз майдонга анорзорлар барпо этилди. Бу боғларнинг ҳар 3 гектари ҳисобига 1 тадан, умумий ҳисобда 750 га яқин янги иш ўринлари яратиладиган бўлса, ана шу иш ўринларининг 600 тасига “Темир дафтар”га киритилган ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Амалда 1500 гектар ер майдонида барпо этилган анор боғида 500 га яқин янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг 370 таси билан “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ишга лаёқатли аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Қишлоқларда ашовчи 10364 нафар 16-30 ёшли ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида туманда 2000 гектар сугориладиган ер майдонлари ажратилади. Бугунги кун ҳолатида 342 гектар сугориладиган ер майдонлари ажратилиб, 2022 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди ва далада экиш ишлари бошланган.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш

Куни-кеча Фарғона вилоятининг Боғдоғ туманида аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида қилинган ишлар билан танилаб чиққан ҳолда тумандаги салоҳиятли қурувчиларга янги кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер майдонлари ажратиш, бунда катта йўл ёқасида жойлашган ва аҳоли нисбатан зич ҳисобланган “Анорзор”, “Дубоба”, “Гулбод” ва “Яккатол” маҳалларида йўлни кенгайтириш зарурияти тўғрисидаги ва аҳолини янги уй-жойлар билан таъминлаш бўйича катта йўл ёқасида қурилганга 50 йилдан узоқ мўддат бўлган эски уйларни бузиб, ўрнига янги 3 қаватли, таркибиде савдо ва маиший хизмат шохобчалари мавжуд уй-жойлар қуриш бўйича ҳам алоҳида тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бунда тадбиркорларга уй-жой қуриш учун худуддан ер майдони ажратилиб, тадбиркор ва мулкдор ўртасида эски уй-жой бузилиши бўйича келишув битимлари тузилган, уй-жой қурилиши бўйича бошлангич тўловлар шакллантирилган ҳолда тижорат банкларида ипотека кредитлари расмийлаштирилиши таъминланди ва тадбиркор томонидан бошлангич маблағлар ҳамда кредит линиялари асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу худудда жами 20 та 3 қаватли 360 та хонадонли, шундан 1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қилишга мўлжалланган уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларни давлат субсидияси орқали сотилиши ҳам белгиланган.

Янги 4 қаватли уй-жойлар қуриш механизми куйидагича бўлиши ҳисоблаб чиқилди:

Кредит ҳисобидан – жами уй-жой қуриш лойиҳасининг 70 фоизи;

бошлангич тўлов асосида шаклланган маблағлар ҳисобидан қурилиш ҳажмининг – 10 фоизи;

қолган 20 фоиз маблағ қурувчининг ўз ҳисобидан амалга оширилди.

Бунда қурувчига ажратилган кредит маблағлари қуйидаги ишларга сарфланиши мумкин:

-ишчиларга иш ҳақи тўлаш учун;

-қурилиш материаллари харид қилиш учун;

-маҳсус техника хизматчилари учун;

-ёрдамчи пудрат ташкилотларининг хизматлари учун.

Ипотека кредит асосида хонадон олиш шартлари

Бошлангич бадал – хонадон нархининг 10 фоизини тўлаш.

Муддати – 20 йил.

Сўз ставкаси – 17 фоиз.

Кўрсаткичлар	2 хонали	3 хонали
Майдони	47,2 кв.м	57,8 кв.м
Уй-жой баҳоси (сўм)	230 млн	282 млн
Фуқаро бадали (сўм)	23 млн	28 млн
Кредит суммаси (сўм)	207 млн	254 млн
Бир ойлик тўлови (сўм)	3 млн	3 млн
Давлат субсидияси (сўм)	106 минг	804 минг
Фуқаронинг ойлик тўлови (сўм)	1 млн	1 млн
Фуқаронинг ойлик тўлови (сўм)	208 минг	479 минг
Фуқаронинг ойлик тўлови (сўм)	1 млн	2 млн
Фуқаронинг ойлик тўлови (сўм)	898 минг	325 минг

“Обод қишлоқ” дастури бўйича

Туманда инфраструктуравий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича жорий йилда жами 92,5 миллиард сўм пул ажратилиб, “Обод қишлоқ” дастурига тушган “Оби-хаёт” ва “Мустақиллик” маҳаллалари бўйича 9,5 миллиард сўм сарф қилиниши белгилиб олинди. Бу борада хар бир ишни бошлашимиздан олдин аниқ ҳисоб-китоблар юритиб ҳалоллик ва адолат билан халқ депутатлари туман Кенгашида ҳимоя қилдик. “Обод қишлоқ” дастурига киритилган маҳаллаларни нафақат ободонлаштириш ва инфраструктурасини ўзгартириш, балки 3 та “Темир”, “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарга киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларнинг бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни эҳтиёжмандлик даражаси-

дан чиқарилишида уларга тайёр “балиқ” эмас, “қармоқ” бериб, ишбилармонлик кайфиятини уйғотиб, худудда ишсизлик бўйича ҳам муаммолар қолмаслигини белгилаб олдик.

Ҳаммага маълумки, ҳурматли Президентимиз томонидан ўтказиб келинаётган видеоселектор йиғилишларида кун тартибиде қайси мавзу бўлишидан қатъи назар барча даражадаги ҳокимлар ва сектор раҳбарларидан ўз худудларидаги 3 та дафтар, яъни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар ва кўзланган мақсадлар бўйича сўраб борилмоқда. Юқорида амалга ошириладиган ишлар натижасида жорий йил 1 сентябрга қадар “Аёллар дафтари”даги 1777 нафар, “Ёшлар дафтари”даги 2506 нафар ва “Темир дафтар”да қолган 188 та оилалар бандлигини таъминлашни натижасида дафтарлардан чиқарилади.

Ҳурматли депутатлар ва тадбиркорлар!

Бугун туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан катта марраларни олдик. Буни таъминлаш учун Сизлар билан биргаликда қуйидаги ишларни амалга оширишимиз лозим. Яъни:

Биринчидан, туманда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни кўпайтириш;

Иккинчидан, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сонини ўтган йилга нисбатан 30 фоизга ошириш, бунда тадбиркорлик субъектларининг сонига эмас, уларнинг сифатига ва доимий ишлашига эътибор қаратиш;

Учинчидан, туманда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини уч тоифага – “яхши”, “ўрта” ва “ёрдамга муҳтож” тоифага ажратиш. “Ёрдамга муҳтож” тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали яхши тоифага ўтказиш;

Тўртинчидан, бўш ер майдонларини аниқлаш, аниқланган бўш ер майдонларини объектларни “Е-ижро аукцион” электрон савдо майдонига қўйиш орқали, тадбиркорлик субъектларига бериш ва мазкур ер майдонларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш;

Бешинчидан, бўш турган давлат мулки объектларини сотиш орқали, мазкур объектлар негизда замонавий ишлаб чиқариш ва х



Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 67 йиллигига

ЭЛ СЕВГАН, АРДОҚЛАГАН АДИБ

Муҳаммад Юсуф шеърлари самимийлиги, омманинг руҳига яқин бўлганлиги учун ҳам китобхоннинг кўнгил мулкига айланган. Унинг асарларида ўзи туғилиб ўсган юрт руҳияти, манзаралари яққол кўриниб туради. Шеърлари оҳанграб қўшиқларга айланган, ҳар бир ўзбек хонадонига кирган лирик шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Ковунчи қишлоғида дехқон оиласида туғилган. Мактабни тугатгач, Республика "Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кириб, олий билим даргоҳини 1978 йили ташкилади.



Ижодга ҳавас ёш шоирни олий маълумот олгач, Тошкентда қолишга ундади. Муҳаммад дастлаб Китобсеварлар республика жамиятида, 1980-1986 йиллар давтида "Тошкент оқшоми" газетасида, 1986-1992 йиллар ораллигида Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, сўнг "Ўзбекистон овози" газетасида, кейин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ишлади. 1995-1996 йиллар Ўзбекистон Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамят қурилиши академиясида таҳсил олади ва 1997 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди.

Бадий ижод билан талаблик давридан шуғуллана бошлаган, аммо шеърятга ғоят масъулият ва талабчанлик билан муносабатда бўладиган Муҳаммад Юсуфнинг Илк шеърини тўплами – "Таниш тераклар" китоби 1985 йили нашр этилди. Тўпламдаги шеърларидан бастанланган дилтортар қўшиқлари уни элга машҳур қилди.

Таниқли ижодкорнинг "Булбулга бир гагим бор", "Уйкудаги қиз", "Ҳалима знам аллалари", "Иш кема", "Кўнглимда бир ёр", "Бевафо кўп экан", "Ёлгончи ёр", "Эрка кийик", "Осмонига олиб кетаман" каби кўплаб шеърини китоблари ўз мухлислари қалбидан жой олган. Шоир шеърларидан инсонларнинг кечинмалари, уларни ўйлатадиган, йиғлатадиган, қулдирадиган, Ватанга, онага, тилимиз ва динимизга бўлган меҳр-муҳаббат-

лик давридан шуғуллана бошлаган, аммо шеърятга ғоят масъулият ва талабчанлик билан муносабатда бўладиган Муҳаммад Юсуфнинг Илк шеърини тўплами – "Таниш тераклар" китоби 1985 йили нашр этилди. Тўпламдаги шеърларидан бастанланган дилтортар қўшиқлари уни элга машҳур қилди.

Таниқли ижодкорнинг "Булбулга бир гагим бор", "Уйкудаги қиз", "Ҳалима знам аллалари", "Иш кема", "Кўнглимда бир ёр", "Бевафо кўп экан", "Ёлгончи ёр", "Эрка кийик", "Осмонига олиб кетаман" каби кўплаб шеърини китоблари ўз мухлислари қалбидан жой олган. Шоир шеърларидан инсонларнинг кечинмалари, уларни ўйлатадиган, йиғлатадиган, қулдирадиган, Ватанга, онага, тилимиз ва динимизга бўлган меҳр-муҳаббат-

ни, садоқатни ҳис қиламиз. Шунинг учун ҳам у ҳақда дўстлари ҳазиллашиб баъзан; «Муҳаммад – Тошкентнинг кўп қаватли бетон уйларига от етаклаб кирган шоир» дейишарди.

Муҳаммад Юсуф 1998 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" унвонига сазовор бўлди. У Ўзбекистондаги энг ёш халқ шоири эди. Эл севган, ардоқлаган адиб 2001 йилнинг 31 июлида юрак хуружидан вафот этди.

«Ниҳол -2021»

НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ



10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг концерт залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофоти танловининг тўнгувчи ўтказилди. Унда эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, опера ихрочли-

лиги ва ракс санъати йўналишларида 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган номзодлар сараланди.

малик Йўлдошев, Ҳаким Панжиев, Акмал Амиров ва Маъмура Болтаевлар ўз йўналишлари бўйича голиб бўлиб, танловнинг вилоят босқичида катта навиш ҳуқуқини кўлга киритдилар. Расул Орипов, Муҳаббат Жалилова, Азиза Ҳайитмуродовалар 2-ўрин, Ўткир Маҳмадиев, Барчин Мажидова, Баҳром Жовлиев, Элмурод Тожиев, Соҳиба Хайруллаевалар 3-ўринга муносиб кўрилди.

Шунингдек, Озода Турдиева, Кумушой Эранкулова, Муҳлиса Эшбўриева, Муниса Поллова, Хадича Хўжакулова, Фаррух Жумаев, Абдор Нормунов, Суннатилло Мамаюсовларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

Танлов якунида голиблар тўнгувчи мукофоти билан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва "Миллий тикланиш" демократик партияси тўнгувчи мукофоти билан қимматбах омадилари билан тақдирланди.

С.КУЛБОБОВ.
Суратда: 1-ўрин соҳибаси Бону Сувоқкулова.

Кўрик-танлов

«Энг намунали сардорлар»

Тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Танловда 2-мактаб жамоаси 1-ўринга, 47-мактаб жамоаси 2-ўринга муносиб деб топилди. Голиб иштирокчиларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.

Танловда 2-мактаб жамоаси 1-ўринга, 47-мактаб жамоаси 2-ўринга муносиб деб топилди. Голиб иштирокчиларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.

Норхон КУРБОНОВА, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.

Математика — фанлар шоҳи

БИЛИМЛАР СИНОВИ

Маълумки, математикасиёз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки математикани яхши билмасдан туриб, ҳаётимиздаги муаммоларни бартараф эта олмаймиз.

Бу фан инсонларга ҳисоб-китоб илмини ўргатибгина қолмасдан, балки уларнинг мантаний фикр-мулоҳаза юритишига, турли муаммолар ечимини топишга яқиндан ёрдам беради. Беҳизга математика-фанлар подшоҳи дейилмаган.

Шунинг учун бугунги кунда математика фанини ўқитишга янада кўпроқ эътибор берилмоқда. Республикада 100 дан ортиқ мактаблар математика фанига ихтисослаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида "Norasmiy Online talim maktabi"нинг математика фанидан ўтказилган онлайн тестида 44-умумий ўрта таълим мактабининг 6-синф ўқувчилари фаол қатнашдилар ва

Мусурмон БОЙПУЛАТОВ, 44-мактабнинг математика фани ўқитувчиси.

Бир мактабда

МЕНТАЛ АРИФМЕТИКА БИЛИМДОНЛАРИ



Бухоро Давлат университетида ментал арифметика халқаро очиқ олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 12 та вилоятдан ҳамда Қозоғистон Республикасидан қатнашган ўқувчи ёшлар ўзларининг билим ва салоҳиятларини синая кўрдилар.

Тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Муҳаммадали Мардонов, Сарвар Тошбоев, Улуғбек Алимов ва Лазизбек Алимов танловдаги фаол иштироки учун 50 фоизли бонусга эга бўлиб, "Диплом" ва медаллар шодасини кўлга киритдилар.

«Гуллар ва қушлар» байрами

"Баркамол авлод" болалар мактабида "Гуллар ва қушлар" номли тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда 7-мактаб қошида фаолият юритаётган "Бичиш-тикиш" тўғараги (раҳбари Маҳлиё Тўраева) аъзолари кўрғазмалар ташкил этиб ҳамда бадий чикишлари билан ўз фаолиятларини ва эришаётган ютуқларини намойиш қилдилар.

Шундан сўнг байрам иштирокчилари гул экиш, гуллардан ландшафт яратиш ва қушларнинг турлари, уларни парваришlash ҳақида тушунчалар бериб ўтдилар.

Китобхонлик кечаси

Музработ педагогика коллежида "Фафур Фуломнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда "Шум бола" кинематографи мавзусида "Китобхонлик кечаси" ўтказилди.

Адабий тадбирда ўқув даргоҳининг "Издослар" ва "Билимдонлар" жамоалари 4 та шарт бўйича, ўзаро беллашдилар. Дастлаб ўқувчилар томонидан академик шоир Фафур Фуломнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, иккала жамоа адиб фаолиятига бағишлаб тайёрлаган кўрғазмалар воситалар, электрон китоблар ва "Шум бола" кинематографи кўришнилари намойиш этишди.

Кеча сўнггида топқирлиги, билимдонлиги билан барча шартларни бажаришда юқори балларни олган "Билимдонлар" жамоаси 1-ўринга муносиб деб топилди. Иштирокчиларга қолмаган маъмурият ва Республика маънавияти ва маърифат маркази тўнгувчи мукофоти "Фахрий ёрлик"лари топширилди.

Йўл қоидаси—умр фойдаси

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Музработ тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Муҳаммадали Мардонов, Сарвар Тошбоев, Улуғбек Алимов ва Лазизбек Алимов танловдаги фаол иштироки учун 50 фоизли бонусга эга бўлиб, "Диплом" ва медаллар шодасини кўлга киритдилар.

Тадбирни ташкилотимиз раҳбари М.Умиркулов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.

Тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Муҳаммадали Мардонов, Сарвар Тошбоев, Улуғбек Алимов ва Лазизбек Алимов танловдаги фаол иштироки учун 50 фоизли бонусга эга бўлиб, "Диплом" ва медаллар шодасини кўлга киритдилар.

СОБИҚ СИНФДОШЛАР ЭҲСОНИ

дастурхони ёзилди. Аввалига бу дунёдан ўтган маҳалладошлар хотираси учун дуога қўл очиб, Қуръон тиловат қилинди. Маҳалла имоми М.Шарипов, оксокол Э.Хўжамшукуровлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган ислохотлар ҳақида тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.



дастурхони ёзилди. Аввалига бу дунёдан ўтган маҳалладошлар хотираси учун дуога қўл очиб, Қуръон тиловат қилинди. Маҳалла имоми М.Шарипов, оксокол Э.Хўжамшукуровлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган ислохотлар ҳақида тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.

волик учун шўқрона қилишга чалқирдилар. Шундан сўнг дастурхонга ош тортилиб, жумладан, нуронийларга чексиз иззат-икром кўрсатилди. Шу баҳонада тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.

Дийдорлашиб, кўнгил очиш асносидаги тадбирлар маҳалладошлар, айниқса, мезбонлик қилган собиқ синфдошлар учун таассуротларга ва унутилмас лаҳзаларга бой бўлди.

Сабоҳат БҮРИЕВА, 6-мактаб ўқитувчиси.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Музработ тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Муҳаммадали Мардонов, Сарвар Тошбоев, Улуғбек Алимов ва Лазизбек Алимов танловдаги фаол иштироки учун 50 фоизли бонусга эга бўлиб, "Диплом" ва медаллар шодасини кўлга киритдилар.

Назирова Турсунбой Норматовнага Музработ тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Муҳаммадали Мардонов, Сарвар Тошбоев, Улуғбек Алимов ва Лазизбек Алимов танловдаги фаол иштироки учун 50 фоизли бонусга эга бўлиб, "Диплом" ва медаллар шодасини кўлга киритдилар.

Жўраев Сардорбек ўқитувчиси.



Музработ тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўқувчиларимиздан Муҳаммадали Мардонов, Сарвар Тошбоев, Улуғбек Алимов ва Лазизбек Алимов танловдаги фаол иштироки учун 50 фоизли бонусга эга бўлиб, "Диплом" ва медаллар шодасини кўлга киритдилар.

Маънавий-маърифий тадбир БАЙРАМОНА РУҲДА

Тадбирда ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож инсонлар, уюлмаган ёшлар, хотин-қизлар вақиллари, хусусан, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган мусиқий-бадий чикишлар, спорт мусобақалари, касбий маҳорат намойиши ҳамда ош сайли барчага бирдек манзур бўлди.

Жамшид НАЗАРОВ, мактаб директорининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари.

<p>МУЗРАБОТ</p> <p>МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Музработ тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди.</p>	<p>Муҳаррир Абдусалом ЙЎЛДОШЕВ</p> <p>Таҳририят манзили: 191300. Музработ тўнгувчи мукофоти билан тақдирланди. Амир Темур кўчаси, 9-уй. Телефонлар: 34-91-380, 34-91-118.</p>	<p>Газета 2010 йил 9 апрелда Сурхондарё вилоят Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида 11-010 рақами билан қайта рўйхатга олинган. ISSN 2181-7006. e-mail: baxtiyor.1987@inbox.uz Буюртма Г-3380 нусхада босилди. Қозғ бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нарҳда. Нашр индекси—473.</p>	<p>Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи Б.Шоймардонов. Навбатчи муҳаррир А.Йўлдошев. Навбатчи Г.Қурбонназарова.</p> <p>Газета «Денов босмаҳонаси» МЧЖда чоп этилди. Корхона манзили: Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй. Топшириш вақти – 10-30. Топширилди – 10-30</p>
--	--	--	---